



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2020 -yil “ 12 ” yanvar

Қ-26 -son

Termiz sh.

Шеробод тумани “Ўзбекистон” массиви худудидан “Sherobod Gardens” МЧЖга интенсив “Анорзор” барпо этиш, анор кўчати етиштириш, “Пахтачилик ва ғаллачилик” ҳамда “Пиллачилик” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигидаги Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш юзасидан 2019 йил 16 июнь куни ўтказилган 7-сон йиғилиш баёнининг 33-банди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 15 июндаги ҚҚ-78-IV-сон қарорининг 9-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев бошчилигида “Сурхондарё вилоятида ер ва сувдан фойдаланиш, экинларни тўғри жойлаштириш, кластерлар ва агрологистика ташкил этиш, озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ва амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида” 2020 йил 27 ноябрда ўтказилган йиғилиш баёнининг 5-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 январдаги 05-02/31-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 19 декабрдаги 01-05/1556-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод тумани “Ўзбекистон” массиви худудидан “Sherobod Gardens” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги жами 843,45 гектар, шундан 549,43 гектар экин ер майдони интенсив “Анорзор” барпо этиш ва кўчат етиштириш учун, 200,91 гектар экин ер майдони “Пахтачилик ва ғаллачилик” учун ҳамда 22,61 гектар экин ер ва 0,54 гектар яйлов ер майдонлари “Пиллачилик” учун, шунингдек, 57,89 гектар ариқ ва зовурлар, 5,30 гектар

йўллар, 6,77 гектар бошқа ер майдонлари (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов